

ИНТЕРНЕТ НАШРЛАРДА АРТ-ЖУРНАЛИСТИКА

Зарнигор Ғойибназарова

Магистрант (Халқаро Нордик университети)

Аннотация: Мақолада интернет нашрларда арт-журналистиканинг ўрни ҳақида гапирилади. Санъат журналистикасида ихтисослашув, санъат ва маданият оид хабарлар ва арт-журналистика ўртасидаги фарқлар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: арт-журналистика, санъат журналистикаси, ихтисослашув, формат, шоу-бизнес, медиабизнес.

ART JOURNALISM IN ONLINE MEDIA OUTLETS

Abstract: The article examines the role and significance of art journalism in online media outlets. It discusses specialization within art journalism, as well as the distinctions between news coverage related to art and culture and art journalism as a specialized field of media activity.

Keywords: art journalism, cultural journalism, specialization, format, show business, media business.

АРТ-ЖУРНАЛИСТИКА В ОНЛАЙН-ИЗДАНИЯХ

Аннотация: В статье рассматриваются роль и значение арт-журналистики в онлайн-изданиях. Анализируются вопросы специализации в журналистике искусства, а также различия между новостными материалами о культуре и искусстве и арт-журналистикой как специализированным направлением журналистской деятельности.

Ключевые слова: арт-журналистика, журналистика искусства, специализация, формат, шоу-бизнес, медиабизнес.

Санъат ва маданият мавзусини ёритиш учун ўша соҳани билмаган журналистда қийинчилик туғилиши табиий. Этюд, композиция, колорит, бағет каби соҳага оид сўзлар омма учун ҳамма вақт ҳам тушунарли бўлавермайди. Фақат, шундай сўзлар қўлланса, материалдан ўқувчи ўзи учун ҳеч нима ололмаса самарадорлик жуда паст бўлади.

Арт-журналистикада ёзиш қийин бўлгани учун таҳририятлар бу мавзунини ёритишга мутахассисларни жалб қилишади. Улар соҳасини билади, терминларни қўллай олади, керакли тавсия ва таклифларни ҳам илгари суради. Аммо, ёзилган материални омма ҳамма вақт ҳам тушуна оладими? Бу энди алоҳида масала.

Санъат соҳасида ихтисослашган кадр тайёрлаш маданият ва санъат соҳасидаги олий ўқув юртларида санъат ёки санъатшунослик журналистикасига

ихтисослашган кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. 2018 йилда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил топгач, санъат журналистикаси бўйича журналист кадрлар тайёрлашга киришилди.

Кейинчалик кадрлар тайёрлашда оптималлаштириш масаласи ўртага қўйилгач, ягона ном – журналистика таълим йўналиши сифатида қабул давом этмоқда. Биринчи курсданоқ ихтисослашиш масаласи кейинги планга ўтиб, таҳририятга боргач, қизиқишига қараб соҳага йўналади. Албатта, бу усул ўзини оқламаслиги мумкин.

Санъат журналистикасига кадр тайёрлаш айна пайтда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида “Санъатшунослик: санъат журналистикаси” (60211004) шифрида амалга оширилмоқда. Арт-журналистикага маданият ва санъат олами – тасвирий санъат, театр, кино, мусиқа, адабиёт каби кенг оммага тушунарли тилда ёритувчи, танқидий таҳлил ҳамда эстетик дидни шакллантирувчи ихтисослашган соҳа сифатида қаралади.

Бу соҳага ихтисослашган арт-журналист, оддий янгиликлар етказувчидан фарқли равишда, бирор бадий асар ёки кўргазманинг тарихи, жамиятга таъсири ва яширин маъноларини чуқур таҳлил қила олиши билан фарқланади. Турли мавзулардаги кўғазмалардан репортажлар, актёр, рассом, режиссёр, ҳайкалтарош кабилан билан уюштирилган интервьюлар, бадий фильм ва сахна асарларига ёзилган тақризлар каби форматларда намоён бўлади.

Санъатдаги мураккаб концепцияларни содда ва тушунарли тарзда оммага етказиб бериш, улар орасида кўприк вазифасини бажариш арт-журналистиканинг бирламчи вазифаси ҳисобланади. Арт-журналистика нафақат маданият ва санъатни ёритади, балки миллий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб қилади, эстетик дидни шакллантиради.

Профессор Я.Засурскийнинг ёзишича, “бўш вақт саноати, кўнгилочар дастурлар индустрияси замонавий иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмига айланиб бормоқда, одамларда бўш вақт кўпайгани сари бу янги даромад бугунги кунда айнан хизмат кўрсатиш соҳаси, оммавий маданият ва ОАВ – яъни бўш вақтни тўлдиришга қаратилган соҳаларга айланмоқда”.³⁸ Кейинги йилларда асосан санъатга дахлдор кўнгил очишга мўлжалланган контентларнинг пайдо бўлаётгани, соҳа мутахассисларининг сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаётга оид жиддий янгиликларни ёритиш, чоп этишга сарфланадиган харажатлардан қочиб, кўпчиликнинг эътиборини тез жалб этадиган енгил мавзуларни афзал билиши, айниқса, Ғарбда жиддий мавзулар инқирозга юз тутиб, шахвоний ва можароли манзаралар намоёишига зўр берилаётгани билан изоҳланади. Бу ҳам дунё медиаси тараққиётининг муҳим тамойили.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим хусусияти тижорат бўлиб, у санъат соҳасига кириб келиб шоу-бизнес, оммавий ахборот воситалари фаолиятида намоён бўлиб медиабизнес тушунчаси пайдо бўлди. Тижоратнинг асосий

³⁸ Засурский Я.П. Журналистика и мир на рубеже тысячелетий. М.: Изд-во МГУ, 2000. – С.26.

мақсади, табиийки, даромад, фойда олиш, пул ишлаб топиш саналади. Шоу-бизнес билан шуғулланиб фойда олишга ҳам эндиликда табиий ҳол сифатида қаралмоқда. Кейинги пайтларда — асосан санъат соҳасидаги тадбиркорликни англатувчи “шоу-бизнес” ҳам ҳаётимизга шиддат билан кириб келди. Медиабизнес ва шоу-бизнеснинг ривожланишини айро тасаввур этиб бўлмайди.

Эътибор берилса, мамлакат медиалари, хусусан, интернетда шу жараён кузатиляпти. Тайёрланаётган контентлар янгича шакл ва услубларда намоён бўлмоқда. Бугунги шиддатли ва тезкор замон, олиб борилаётган ислохотлар, кишилар онги ва шууридаги ўзгаришлар, шу жумладан, ижодий ишларга қўйилаётган талаблар ортиши интернет медиаларнинг янада такомиллашувини тақозо этмоқда.

Интернет медиалар аҳолини жалб этишнинг энг мақбул йўллари амалда жорий этмоқда. Ўзаро рақобат муҳити, аудитория учун кураш ижодкорлардан янада изланувчанлик, топқирлик ва касбий маҳоратга эришишни тақозо этмоқда. Шоу-бизнесга қизиқиш ҳисобга олиниб, янги қўшиқлар тақдимоти, қайсидир эстрада ёки кино юлдузининг шахсий ҳаёти, олди-қочди фильмлар каби омма қизиқадиган мавзулар трендга чиқа бошлади. Мисол учун, “Instagram: Муниса Ризаева ўғлини оммага кўрсатди, Асила Мирзаёрова фарзандли бўлди, футболчи Одил Аҳмедов туғилган кунини нишонламоқда” сарлавҳаси остида Daryo.uzда хабарлар берилган³⁹. Ёки бошқа бир хабар: “Муниса Ризаева ўғли Алексни юзини мухлисларига кўрсатди (видео)”⁴⁰. Бундай сенсацион янгиликларга кенг омма қизиқади. Аммо, улар 20-асрнинг 90-йилларида миллий матбуотимизга кириб келган “сарик матбуот” услубидаги хабарлар. Улар орқали аудиторияни ушлаб қолиш, кўришлар сонини ошириш мумкин, холос.

Бундай хабарларни арт-журналистика намуналари деб бўлмайди.

Биз юқорида тилга олган мавзуларни соҳага энди кириб келаётган ҳаваскорлар, блогерлик билан шуғулланишни истаганлар ёрита олади. Уларда юзаки ёндашув бор, холос.

Чинакам арт-журналистлар жуда оз. Тадқиқотчи З.Бабажанова “Ўзбекистонда маданий муҳитнинг шаклланишида арт-журналистиканинг ўрни” мавзусидаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясида Иқбол Қўшшаева, Ирода Дадажоновна, Лобар Қобилова, Нигора Умарова номини тилга олган холос⁴¹.

Хулоса қилиб айтганда, бугун омманинг санъатга, маданиятга қизиқиши ҳар қачонгидан ҳам баланд.

Шундай экан соҳага лоқайдлик билан қараш ярамайди.

Намойиш этилаётган сахна асари, кўргазмадаги тасвирий санъат намунаси, хорижий фильмни тушуниш, унинг моҳиятини англашда мутахассис муҳим ўрин тутаяди.

³⁹<https://daryo.uz/uz/2025/11/25/instagram-munisa-rizayeva-oglini-ommaga-korsatdi-asila-mirzayorova-farzandli-boldi-futbolchi-odil-ahmedov-tugilgan-kunini-nishonlamoqda/>, 08.06.2026.

⁴⁰<https://zamin.uz/madaniyat/202478-munisa-rizayeva-oglini-aleksni-yuzini-muhlislariga-korsatdi.html>, 08.06.2026.

⁴¹ Бабажанова Забаржад Турсунбаевнанинг “Ўзбекистонда маданий муҳитнинг шаклланишида арт-журналистиканинг ўрни” мавзусидаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси, Т.: 2025.

Томошабин уни кўр-кўрона қабул қилса, нотўғри хулоса чиқарса, юзаки қарашлар билан тўйинса “оммавий маданият” гирдобига тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам соҳага ихтисослашув зарур.